

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ХОДИМЛАРИ, АЪЗОЛАРИ ВА  
ФАОЛЛАРИ УЧУН**

**Қўлланма**





**Тузувчилар:**  
**М.Т.Рашидова,**  
**С.Д.Шоназаров**

---

**Масъул:**  
**Ўзбекистон ХДП Марказий**  
**Кенгashi раиси ўринбосари**  
**М.А.Ворисова**

---

**Тақризчи:**  
**Ш.З.Абдуллаева, иқтисод**  
**фанлари доктори, профессор**

---

“

*Ҳар қандай сиёсий партия замон билан  
ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига  
жавоб берган тақдирдагина сиёсий  
куч сифатида яшай олади.*

Ш.Мирзиёев

## КИРИШ

Дунё мамлакатларининг тараққиёти, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги куч-қудрати, келгусидаги мавқеи қай даражада ўзгариб бориши бевосита сиёсий тизим ва унинг таъсирига боғлиқ. Бу жараёнда, шубҳасиз, мамлакатдаги сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Жадо тажрибасидан маълум, сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом ва кучларо қирадиган, муайян қатлам(лар) манфаатларини ҳимоя қилишда уларни мақбул таклифлари, ишлаб чиқсан дастурлари нафақат партиянинг, балки мамлакатнинг келажагини белгилашда ҳам катта аҳамият касб этгага Бунда, нафақат сиёсий партияларнинг раҳбарлари, балки энг қуийи ташкилотгача бўлган партия ходимлари ва фаоллари ўз масъулиятларини тўлиқ англаб етишлари лозим.

Жаҳонда содир бўлаётган кескин ўзгаришлар, турли даражадаги янги бўхронларнинг юзага келаётганлиги кўрсатмоқдаки, бугун сиёсий партиялар фақат ўз дастуридаги вазифаларни ҳал этибгина қолмасдан жамият олдида турган муаммолар ечимиға ҳам алоҳида ёндашиши зарур. Иккинчи томондан, жамият олдидаги ҳар қандай муаммони мамлакатимиздаги исталган сиёсий партия дастури билан боғлаш мумкинлигини ҳам эътироф этиш жоиз.

Бугун фуқароларимиз, айниқса, партия тизимида фаолият олиб бораётган ёки шу йўналишда ишлашни мақсад қилган ҳар бир киши бу масалаларни талқин қила олиши, тегишли тушунчаларга эга бўлиши керак. Тақдим этилаётган мазкур қўлланма, бу борада партия ходимлари, фаоллари, Қорақалпоғистон Республика, вилоят, туман-шаҳар кенгashi раислари ҳамда сиёсий партиялар фаолиятига қизиқиш билдирган ҳар бир фуқаро учун сиёсий билимларини оширишда муҳим адабиёт бўлиб хизмат қиласи.

Қўлланмада, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясинин Устави, партия дастурий мақсадлари ва вазифалари, партия БПТ, туман-шаҳар, минтақавий ва марказий кенгашлари фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган.

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТУШУНЧАСИ

**Сиёсий партиялар**урли табақа ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, 60-модда

## Сиёсий партия

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органлар шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикасининг  
“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги  
Қонуни, 1-модда

Сиёсий партиялар жамиятда муайян функцияларни бажаради. Сиёсий партияларнинг бош функцияси – фуқаролар, ижтимоий қатламлар, манфаатларни тузилган кўплаб хусусий манфаатларини ягона сиёсий манфаатларни келтиришдан иборат. Шу маънода улар жамият сиёсий тизимининг муҳтакибий қисмига айланганлар. Улар мавжуд сиёсий тизим доирасидаги жамият тараққиётига оид рақобатлашувчи дастур эгалари сифатида чиқадилар.

Тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам ҳар қандай сиёсий партия жамиятдаги маълум бир ижтимоий қатлашмалари ҳимоячиси ва ифодачиси бўлиб, вужудга келган. Қадимги Юнонистон ва Римдаги сиёсий ҳаракатлар жамиятнинг ҳукмрон табақалари манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, Ўрта асрларга келиб Европада маърифатчилик ғоялари таъсири остида халқнинг кенг қатламлари манфаатлари хусусида бош қотирадиган сиёсий клублар пайдо бўла бошлаган. XIX асрга келиб эса, демократия, тенг ҳукуқлилик ғоялари таъсири остида сиёсий партиялар жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга киришдилар.

# ЖАҲОН СИЁСИЙ САҲНАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Сиёсий партияларнинг вақт ва макон таъсири остида ўзгариш бориши ва бугунги кундаги илгари суроётган асосий ғоялари (ва Шарқ мамлакатлари мисолида) – қисқа сатрларда**

Бугунги кунда глобаллашув туфайли дунёning сиёсий манзараси, ижтимоий тафаккури ва муносабати тубдан ўзгариб бормоқда. Айниқса, бу нарса бутун дунёда сиёсий партиялар ва сиёсатчилар илгари суроётган ғоя ва қарашларда яққол акс этмоқда.

Бундан 30 йил аввал фақат ўта ўнг ёки ўта сўл партиялар вакиллари сайловларда овоз олиш учун илгари сурган миллатчилик, ксенофобия, диний ва миллий адоват, аҳлоқан тубан ғояларни бугунги кунда ўзини инсонпарвар ва демократия тарафдори билган сиёсий партиялар ва сиёсатчилар ҳам илгари суроётганлиги ғоятда ташвишланарли жараёндир.

Ғарбий Европада бўлиб ўтаётган сайловларни кузатар эканмиз, сиёсий партиялар асосан бутун диққат эътиборини “Европани ислом дини таъсиридан озод қилиш”, “Мигрантлар йўлига тўсиқ қўйиш” “Европада христиан қадриятларини сақлаб қолиш” сингари масалаларга қаратишишмоқда. Ана шу жараёнда миллатчилик, ирқий ва диний камситиш қаратилган ғоялар ҳам очик ойдин янграмоқда.

Сиёсий партиялар ўртасидаги курашларда маънавий ва аҳлоқий айнишларни ҳимоя қилиш бош мавзуга айланиб бормоқда. Айниқса, бир жинсли никоҳларни қонунлаштириш, бир жинсли оиласаларга фарзанд олишга рухсат беришга муносабати қандай эканлигига қараб шу сиёсатчига овоз бериш етакчи ўринга кўтарилди.

Инсоннинг Илоҳий табиатига ёт маънавий, аҳлоқий айнишларга қарши турган сиёсий куч ва сиёсатчиларни барча воситалар билан обрўсизлантириш ҳаракати авж олиб бормоқда. Осиё мамлакатларида бўлиб ўтаётган сайлов жараёнларида сиёсий партиялар асосан иқтисодий, ижтимоий ва демографик масалаларга асосий эътиборини қаратишишмоқда.

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ: КИСКА САРДА ЖАРСЕГАР

Замонавий партиялар Англияда XVII асрда вужудга келган, аммо 1832 йил сайлов ислоҳотидан кейингина ҳозирги кўринишини олган. Ақшда партиялар 1830-йилларда, президент Жексон даврида, ташкил топа бошлаган. Франция ва Европанинг бошқа мамлакатларида парламент гуруҳлари ва сиёсий клубларнинг оммавий ташкилотларга айланиши 1848 йил инқилоби билан боғлиқ. Farb институтларини биринчилардан бўлиб импорт қилган Шарқ мамлакатларидан бири – Японияда партиялар биринчи жаҳон урушигача бўлмаган.

## Партиялар сони демократия сифатини белгилайдими?

Демократиянинг сифати партиялар сонининг ошиши билан белгиланмайди.

Ҳақиқатда кенг ижтимоий гуруҳлар қарашларини ифодалайдиган ва манфаатларини ҳимоя қиласидиган сиёсий партиялар учун рисоладагидек сиёсий майдон яратиш муҳимдир. Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий вазифаларидағи ўзига хосликлар ва шу каби бошқа жиҳатлар табиий йўл билан, айнан ижтимоий манфаатлар концентрацияси ва аккумуляцияси орқали белгиланади.

## Сиёсий партиялар нима учун тузилади ва фаолият юритади?

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

# Сиёсий партиялар қандай функцияларни бажаради?

Сиёсий партиялар асосан 4 та функцияни бажаради:

1) **назарий** - мамлакатни ижтимоий-иктисодий в ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш. Партиялар раҳбарлар томонидан ишлаб чиқиладиган ғоя-вий-сиёсий концепциялар партия органлар томонидан қабул қилинади, партия дастурида, съездлар, конференциялар қарорларида ва бошқаларда акс эттирилади;

2) **сиёсий** – бу ҳокимият учун курашнинг тактика ва стратегиясини аниқла шундан сўнг давлатнинг ташқи ва ички сиёсатини шакллантириш ҳамда амалгошириш жа-раёни, бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

3) **ташкилий** – партия дастурини бажариш, сайлов кампанияларини ўтказиш, парламентдаги партия фракцияси фаолиятига кўмак кўрсатиш, кадрлар масалалари билан шуғулланиш;

4) **мафкуравий** – ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларини, дунёқарашини қадриятларини аҳоли орасида тарғиб қилиш, партиянинг ижтимоий базаси кенгайтириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалгошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равища кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг teng ҳуқуқлилиги, ўзини ўзини бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

## Ўзбекистонда сиёсий партиялар қандай тузилади?

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоят, шаҳар, шумадан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаёттаги) ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатда кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равища хабар қилиши лозим.

Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади.

Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қиласи унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

# **Демократик жамият ва кўппартиявийлик шароитида бирор бир партия жамиятнинг барча қатламларига даъвогарлик қилмайди.**

## **Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари мавжудми?**

Ҳа, мавжуд. Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуманфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлади, уставдаги белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёхуд агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда 8 тўсқинлик қилиши ман этилади. Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмади. Сиёсий партиялар ташкилотларининг тадбирлари асосан аъзоларининг ишдан ташқари вақтида ва ана шу партия маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий иш берувчиларнинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларни бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши ман этилади. Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

## **Ўзбекистонда сиёсий партия тузиш учун фуқароларнинг қанчада имзоси зарур?**

## **Сиёсий партия қандай тузилади?**

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларни тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съездидан ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб етти кунлар муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлияни вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съездидан ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим.

Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уйғорлашадиган фоалият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

Сиёсий партия таъсис съездидан ёки конференциясидан тузилади.

Таъсис съездидан ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қиласи, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

## **Сиёсий партия уставида нима акс эттирилган?**

Сиёсий партия уставида қуидагилар акс эттирилган:

- партиянинг номи, мақсади ва вазифалари;
- партиянинг тузилиши;
- партия аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;
- партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;
- партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби;
- партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда бошқа мол-мулкини сотиб олиш манбалари;
- партия раҳбар органи жойлашган манзил;
- партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

**Устав** – муайян ташкилот (корхона) ва унга бўйсунувчи бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи қоидалар жамланмасини ўзида ифода этган, ташкилот (корхона)нинг юқори раҳбар органи томонидан тасдиқланадиган ҳужжат.

## **Сиёсий партияни рўйхатга олиш учун қандай ҳужжатлар керак?**

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичida қуидагилар тақдим этилади:

- партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза;
- устав;
- дастур;
- таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;
- давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган миқ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;
- ушбу Қонун талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган йигирма минг нафа Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайла қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами, раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиқсан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори.

## **Қандай ҳолларда сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш рад қилинади?**

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида» ги Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

## **Ўзбекистонда сиёсий партиялар қандай хуқуқларга эга?**

Ўзбекистонда сиёсий партиялар қуйидаги хуқуқларга ғана өткізу мүмкін:

- ўз фаолияти тұғрисидегі ахборотни әркін тарқатып, қарорлардың қарорларынан жақсарылғанда орналасқанда;
- сайлаб қўйиладиган давлат органларидағи ўз вакиллар орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш ва бошқалар.

**Ўзбекистоннинг сиёсий** Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия **партияларини ким** вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Шунингдек, сиёсий **рўйхатга олади ва** партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси **назорат қиласи**? Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги **назорат қиласи**.

**Ўзбекистонда қандай** Республикаизда бугунги кунда бешта қуйидаги сиёсий **партиялар** партиялар фаолият олиб бормоқда: Ўзбекистон Халқ демократия **фаолият юритади?** партияси; «Адолат» Социал-демократик партияси; «Миллий тикланиш» демократик партияси; Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократический партияси ва Экологик партия.

**Ўзбекистонда қандай** - конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни сиёсий **партияларини** мақсад қилиб қўювчи;

**фаолият юритиши** - Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва таъқиқланади? хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

– урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиб қилувчи;

– халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи;

– миллий ва диний руҳдаги партиялар.

# Партияниңг сиёсий мафкураси

имкониятлар, ижтимоий ва моддий ҳолатидан қатъий назар, барчанинг қонун олдида тенглиги

таъминланган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш

## **Ижтимоий демократия:**

Барча учун, шу жумладан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларининг манфаатлари ва ҳаётий эҳтиёжларига дахлор вазифаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари орқали ҳамда бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этишга имкон берувчи демократия

## **Бошқа партиялардан ажралиб турувчи фарқлар:**

Партия кам таъминлангандиккни ёнгиб ўтиш ва, айниқса, аҳолининг заиф қатламларининг ҳаёт сифатини яхшилаш барқарор иқтисодий ривожланиш ва демократик давлатни шакллантиришнинг зарурый шарти сифатида ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш асосларидан биридир, деб ҳисоблайди.

Партиялар ҳозирги тушунчасидан тамоман фарқ қилган ҳолда муайян ҳудуд ёки миңтақадаги аҳоли гурухлари манфаатларини ифодалаган. Қадимги юнон файласуфи Арасту милоддан аввалги VI асрда Аттикадаги денгиз қирғоқбўйи ва тоғда яшовчи аҳолининг “партиялари” ўртасидаги курашини ёзиб қолдирган. Қадимги Афинада мавжуд бўлган гетерийлар каби баъзи гурухларни ҳам ўз даврининг “партиялари” деб аташ мумкин.

Кейинчалик қадимги Римда маълум бир шахслар ёки концепция(爻)я)-лар атрофида аҳолининг муайян бир қисми – партиялар тўплана бошлаган. Бошқача айтганда, замонавий партия моҳиятининг ilk негизлари шаклланган. Масалан, aka-ука Гракхлар партияси муайян бир сиёсат, яъни ер ислоҳотлари ўtkазилиши тарафдорлари ва талабгорларини ўз атрофида тўплаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Мустақил диёримизда дастлабки сиёсий партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда ўзининг I Таъсис қурултойида топган.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 500 мингга яқин аъзоларга эга. Партия аъзолари 9942 та бошланғич ташкилотга бирлашган.

**Ўзбекистон ХДП** келажакда ишончли ижтимоий кафолатлар ва барқарор ижтимоий тараққиёт тарафдори бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ихтиёрий асосда бирлаштиради, уларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этади.

Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ўз **Уставига** мувофиқ амалга оширади.

**Партия мақсади** – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш.

# ПАРТИЯ ПАСТУРЫ ВА

Партия  
Партия  
Партия

Сайт  
Документы

Партия сиёсий Партия сиёсий Партия сиёсий  
Партия сиёсий Партия сиёсий Партия сиёсий  
Партия сиёсий Партия сиёсий Партия сиёсий

Партиянинг  
узоқ муддатли  
мақсадлари

Партиянинг  
узоқ муддатли  
мақсадлари

Партиянинг  
узоқ муддатли  
мақсадлари

Муддатли  
мақсадлари

Узоқ муддатли  
мақсадларга  
эришиш йўллари

**Узоқ муддатли  
мақсадларга  
эришиш йўллари**

Узоқ муддатли  
мақсадларга  
эришиш йўллари

Партиянинг  
Ўрта муддатли

Ўрта муддатли  
мақсадларга  
эришиш бўйича  
аниқ вазифалар

# Партия электорати

Мәхнатга лаёқатсиз,  
заиф ижтимоий қатlam

1

күп болали  
оилалардаги

2

пенсионерлар,  
ногирондар

3

олинаётган пенсия ва  
ижтимоий нафақалар  
даражаси турмуш  
кечириши учун етарли

4

олинаётган пенсия ва  
ижтимоий нафақалар  
даражаси турмуш  
кечириши учун етарли

Мәхнатга лаёқатли,  
заиф ижтимоий қатlam

1

иктисодиётда  
банд бўлмаган  
мәхнатга лаёқатли  
аҳоли қатлами

2

ишга жойлашишда  
қийинчиликларга дуч  
келаётган кишилар

3

ўқув муассасаларини  
тутатганидан сўнг  
мәхнат бозорига илк  
маротаба келган  
ёшлиар

4

доимий иш жойи  
ва маошга эга  
бўлмаган кишилар

5

ички ва ташқи  
мәхнат мигрантлари

## **Партияning асосий ғояси**

Ижтимоий тенглик, ижтимоий ҳимояланганлик, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари ҳақида ғамхўрлик, ижтимоий зиддият ва можароларнинг олдини олиш.

Давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари муаммоларини ҳал қилишдаги ролини сақлаш ва кучайтириш.

**Партияning асосий мақсадлари:** Ўзбекистонда ижтимоий ва мулки ҳолатидан қатъий назар, барча фуқароларнинг ижтимоий тенглигини, ҳокимиятнинг халқ олдида жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини, аҳолининг заиф қатламларини юқори даражада ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатини таъминлайдиган ижтимоий-демократик давлатнинг шакллантириш;

**Партияning асосий вазифалари:** Мамлакатда амалга оширилаётга ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ва шу асосда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш:

- пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларига ҳаёт эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун етарли даромад олишни кафолатлайдиган самарали пенсия ва ижтимоий имтиёзлар тизимини шакллантириш;

- ишсиз меҳнатга лаёқатли аҳолини муносиб иш ҳақи билан барқарор ишларга самарали жалб қилиш, шу жумладан ногиронлиги бўлган одамларнинг муносиб бандлигини таъминлаш ва кам таъминланган оилалар аъзолари томонидан тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш;

- ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларнинг нархлари ва тарифлари шаклланиши устидан аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида самарали давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш.

## **Дастурнинг асосий жиҳатлари:**

2030 йилгача иқтисодий ривожланишининг ижти и самарадорлигини ошириш ва кам даромадли аҳоли сонини камайтириш орқали Ўзбекистонни аҳоли турмуш даражаси ва сифати бўйича дунёning ўртacha ривожланган мамлакатларидан кам бўлмаган давлатлар қаторига қўшиш;

мавжуд ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг заиф қатламларини ҳимоя қилишнинг янги самарали шаклларини, шу жумладан ушбу соҳада ижтимоий тадбиркорлик ва давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш орқали такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш;

аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий имкониятлардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида зарур товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифларини давлат томонидан тартибга солишнинг парламент депутатлик ва жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини ривожлантириш.

Партия Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ, ҳудудий принцип бўйича тузилади. **Минтақавий туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотлари** партияниң таркибий бўлинмаларидир. Партия фаолияти билан боғлиқ масалалар партияниң тегишли **раҳбар органлари** қарорлари билан ҳал этилади.

Партия ўзининг оммавий ахборот воситаларига эга. Унинг марказий нашрлари:

- ўзбек тилида чоп этиладиган «Ўзбекистон овози» газетаси;
- рус тилида чоп этиладиган «Голос Узбекистана» газетаси.

Партияниң расмий веб-сайти ва электрон почтаси:



Ўзбекистон ХДП айrim минтақавий ташкилотлари ўзларининг нашрларига эга:

- Қарақалпоғистон Республика кенгаши нашри – “Қарақалпақстан ҳаўази” газетаси;
- Наманган вилоят кенгаши нашри – “Халқ иродаси” газетаси.

“

Қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимизни бирлаштирадиган ягона ва муштарақ мақсад – бу жонажон Ўзбекистонимиз, унинг буюк келажагидир. Айни шу мақсад ҳаммамизни он юртимизга садоқат билан хизмат қилишга даъват этади

Ш.М.Мирзиёев, 2019

## **Жамиятнинг асосий муаммоларини қамрови:**

кам таъминланган аҳоли қатламлари, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш;

кундалик талабга эга бўлган товар ва хизматларнинг ижтиомий мақбуллигини таъминлаш;

аҳолининг барча қатламларини арzon уй-жой ва сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш;

аҳолининг барча қатламлари учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам даражасини, шу жумладан соғлиқни сақлаш соҳасида доридармонлар, тиббиёт воситалари, протезлар ва бошқа диагностика, профилактика ва тиббий хизматларни сотиб олиш учун самарали ижтиомий кафолатлар тизимини жорий етиш;

стандарт таълим олиш ва маданий- гуманитар соҳаларда ижтиомий тенглик тамойилларига сўзсиз риоя қилиниши;

мехнатга лаёқатли аҳолининг барқарор ва муносиб иш ҳақи тўланадиган ишларда бандлик даражасини ошириш;

давлат, ижтиомий қурилиш ва суд соҳасида ижтиомий демократия ва ижтиомий тенглик тамойилларини шакллантириш .

## **Мамлакат ривожланишининг ижтиомий-иктисодий масалаларига таклиф этилаётган ечимлар:**

яаш минимуми ва истеъмол саватчасининг нархини аниқлашга асосланган аҳолининг кам таъминланганлик даражасини баҳолашнинг замонавий мезонларини жорий етиш. Ушбу мақсадлар учун “Яаш минимуми тўғрисида”ги ва “Истеъмол саватчasi тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ташаббуси;

олис қишлоқ туманларида мактабгача ва ўрта таълим, бирламчи тиббий-санитария ёрдами ва бошқа ижтиомий инфратузилма соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш, шу жумладан чекка қишлоқларда ишлайдиган тажрибали, юқори малакали мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни қонуний мустаҳкамлаш;

ногиронларни иш билан таъминланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик орқали амалга ошириладиган ногиронлар унун ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;

ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, "Муруват", "Саховат" ва "Мехрибонлик" уйларида яшовчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш. Шу мақсадда ижтиомий тадбиркорлик ва давлат-хусусий шерикликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, шу жумладан тегишли процессуал механизmlарни қонунийлаштириш;



XUSH KELIBSIZ!

O'ZBEKİSTON XALQ DEMOKRATİK PARTİYASINING

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

Ташкилот раҳбар органи - ўз йиғилишида муҳим масалалар юзасидан ташкилот аъзолари (вакиллари)нинг муайян қисми овзи (розилиги) билан қарор қабул қиласиган орган

Партияning олий раҳбар органи - **қурултой**;

Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) кенгашларининг раҳбар органи - **конференция**;

Бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи - бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг умумий йиғилиши.

**ҚУРУЛТОЙ** - партияning олий раҳбар органи (партия Маркази Кенгаши томонидан 5 йил ичидан камида бир марта чақирилади).

Қурултойлар оралиғида **Марказий Кенгаш** раҳбар орган бўлигининг фаолиятини асосий шакли ҳисобланган **plenum** бир йилда камида бир марта чақирилади;

Пленумлар оралиғида **Ижроия қўмита** партия манфаатларини ифода этади.



# ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Марказий Кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Марказий Кенгаши раиси қуийдаги ваколатларга эга:

- Партия Марказий Кенгаши номидан иш юритиб, унинг манфаатларини ифодалайди ва бошқа юридик шахслар билан шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа хужжатларни тузади;
- Марказий Кенгаш пленумлари, Ижроия қўмитаси ва Ижроия қўми Ҳайъати мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди;

- партия фаолиятига доир молиявий ҳужжатларни имзолайди ё ушбу ваколатни ўзининг ўринbosарларидан бирига юклайди;
- партия қурултойи ва Марказий Кенгаш берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Партия Марказий Кенгаши раиси Ўзбекистон Республикаси Оли Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганида ва унда пар фракцияси тузилган тақдирда, фракция раҳбари этиб сайланиши мумкин.

Марказий Кенгаши раиси ўринbosарларининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорлари билан ўрнатилади.



Партия Марказий Кенгашининг доимий ишчи органи Марказий Кенгаш **Ижроия қўмитаси** Ҳайъати бўлиб, Марказий Кенгаш пленумларида сайланадиган **Марказий Кенгаш** раиси ва унинг ўринbosарларидан иборатдир.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** - партияning Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) кенгашларининг раҳбар органи (5 йилда камида бир марта чақирилади).

Конференциялар оралиғида Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) **кенгашлари** раҳбар орган ҳисобланади (кенгашлар фаолиятининг асосий шакли **пленум** бир йилда камида бир марта чақирилади);

Пленумлар оралиғида тегишли партия ташкилотлари кенгаши **Ижроия қўмитаси** партия манфаатларини ифода этади.

Партияning марказий назорат органи - **МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ** ҳисобланади.

Минтақавий ва туман (шаҳар) партия ташкилотларининг назорат органи минтақавий, туман (шаҳар) **кенгашларининг тафтиш комиссиялари** ҳисобланади;

Тафтиш комиссиялари аъзолари тегишлича партия қурултойи, минтақавий кенгашлар, туман (шаҳар) кенгаши **конференцияларида 5 йил муддатга сайланадилар**.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида тегишли кенгаш (Марказий, минтақавий, туман (шаҳар) кенгаши) аъзоси бўлиши мумкин эмас.

# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

**Бошланғич партия ташкилоти (БПТ)** партияning энг қуий таркибий бўлинмаси бўлиб, уч нафардан кам бўлмаган партия аъзоларидан уларни яшаш ва иш жойида бевосита бирлаштириш мақсадида, тегишли **туман (шаҳар) кенгаши ижроия қўмитаси** қарорига кўра тузилади ва Бошланғич партия ташкилотлари тўғрисидаги Низомга асосан фаолият юритади.

**Туман (шаҳар) кенгаши ижроия қўмитаси** – туман (шаҳар) партия ташкилотининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органидир. Туман (шаҳар) партия кенгаши пленумлари оралиғида ижроия қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, туман (шаҳар) партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

БПТ тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда бир ой муддатда унинг ташкилий йиғилиши ўtkазилади, унда БПТ раиси ва унинг ўринбосари, **заруратга қараб**, таркибида ташкилот раиси, унинг ўринбосари ва бошқа аъзолардан иборат бошланғич ташкилот кенгаши сайланади.

**Эслатма:** *Бошланғич партия ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ижодий уюшмаларда, кўнгиллилар жамияти ва фонdlарда, таълим муассасаларида тузилмайди.*

- партия аъзоларининг бевосита ҳисобини рўйхат шаклида ёки электрон маълумотлар базаси шаклида юритади;
- юқори партия ташкилотлари томонидан тақдим этилган партия ҳужжатлари ва моддий бойликлар сақланишини таъминлайди;
- бошланғич партия ташкилоти йиғилиши ва юқори партия органи унга берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## БПТ вазифалари:

- партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғиб қилиш бўйича ишларни олиб боради, партия тарафдорлари сонини кенгайтиришга интилади;
  - партия электоратининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари билан ҳамкорликда уларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлайди, ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва юқори партия органларига киритади;
  - партия аъзоларининг сиёсий маърифатини оширишни ташкил этади;
  - сайлов кампанияси даврида партия ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташвиқотни олиб боради;
  - партияга янги аъзоларни танлаб олиш ва қабул қилиш ишларини олиб боради, аъзоликни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қиласди, айрим партия аъзоларининг аъзолигини тўхтатишни қайд этади;
  - партия аъзоларининг бирламчи ҳисобини юритади, бу масалаларда тегишли туман (шаҳар) партия кенгашлари билан ҳамкорлик қиласди;
  - ўз йиғилишларида, партия аъзолари ўртасида умумпартиявий масалаларнинг муҳокамасини ташкил этади, уларга юқори партия органлари қарорларини етказади;
  - ҳисобда турадиган партия аъзоларининг бадалларини тегишли партия кенгаши ҳисобварақларига ўтказилишини назорат қиласди.
- Бошланғич ташкилот очилган корхона ва ташкилотларда БПТ бурчаги ташкил этилади.*

Элликдан ортиқ партия аъзоси бўлган БПТда партия ташкилоти раиси, раис ўринбосари ва бошқа аъзолар таркибида **бошланғич партия кенгаши** тузилиши мумкин. Бошланғич партия кенгаши умумий йиғилишлар оралиғида зарур (соғлиги ёмонлашгани, бошқа давлатга доимий яшаш учун кўчиб кетганлиги, тегишли ваколатларини амалга ошириш имкони мавжуд бўлмаган ва бошқа) ҳолатларда умумий йиғилиш сайлаган туман (шаҳар) ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбар органлар таркибини қисман янгилаши мумкин ва бу қарор навбатдаги умумий йиғилиш мажлисларига тасдиқлаш учун киритилиши керак.

## **БПТ АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ – БПТнинг раҳбар органи (заруратга қараб, лекин йилида камидан бир марта ўтказилади).**

БПТ умумий йиғилишининг ваколатига қўйидагилар киради:

- бир йил муддатга бошланғич партия ташкилотининг раиси, раис ўринбосари ва заруратга кўра бошланғич партия ташкилоти кенгаши аъзоларини сайлаш, уларнинг ҳисботларини эшитиш ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш;
- туман (шаҳар) кенгаши **конференцияси**га делегатларни сайлаш;
- туман (шаҳар) **кенгаши** таркибига тегишли тартибда юбориладиган бошланғич партия ташкилотининг вакилини сайлаш;
- партия аъзолигига қабул ва аъзоликни тугатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- айрим партия аъзоларидан партияга аъзоликдан ихтиёрий чиқиш ёки аъзоликни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисидаги аризаларини маълумот учун қабул қилиш.

Йиғилишлар оралиғидаги даврда БПТ фаолиятига раҳбарликни йиғилиш томонидан бир йилга сайланадиган БПТ раиси ва унинг ўринбосари амалга оширади.

БПТ раиси:

- бошланғич партия ташкилотининг **Устав** фаолиятига умумий раҳбарлик қиласиди;
- бошланғич партия ташкилотининг умумий мажлисларини олиб боради, унинг баённомаларини тузади ва имзолайди, бошқа зарур иш юритишни олиб боради.

# Партияга аъзолик

**18 ёшга тўлган, партиянинг мақсад ва вазифаларини ёқловчи, Партия Устави талабларига амал қиласидиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси партияга аъзо бўлиши мумкин.**

**Эслатма: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар партияга аъзо бўла олмайдилар.**

Партияга аъзолик якка тартибда қайд этилади, аъзоликка қабул қилиш партияга кирувчининг ёзма аризаси асосида бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши томонидан ҳал қилинади.

Партияга аъзоликка қабул қилиш тегишли туман (шаҳар) кенгаши ижроия қўмитаси томонидан амалга оширилиши мумкин.

## Аъзолик бадали

Аъзолик бадали – партия аъзолари томонидан ҳар ойда тўланадиган, уларнинг асосий иш жойидан олинадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг бир фоизи миқдоридаги маблағ.

Қайд этилган иш ҳақига эга бўлмаган партия аъзолари учун унинг миқдори қуидагича:

- якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун, белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда:

**Пенсионерлар, ногиронлар, вақтинча ишсизлар, кам таъминланган оиласалар аъзолари ҳамда талабалар минтақавий партия ташкилотларнинг Ижроия қўмитаси қарорига асосан аъзолик бадали тўловидан озод этиладилар.**

БПТ раиси (раиси ўринбосари) кабинетида партия аъзолари рўйхати, БПТ иш режаси, ҳисоботи, йиғилиш баённомалари бўлиши лозим.

## БПТ гувоҳномаси

БПТ гувоҳномаси Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан марказлашган ҳолда туман (шаҳар) партия кенгашларининг талабномалари асосида уларга берилади.

Ҳар бир БПТ гувоҳномаси тегишли туман (шаҳар) партия кенгаши томонидан №01-01, 01-02, ... рақами кетма-кетлиги билан рўйхатга олинib расмийлаштирилади (масалан Арнасой туманидаги БПТлар гувоҳномаларига 01-01, 01-02, 01-03, ..., Бахмал туманидаги БПТлар гувоҳномаларига 02-01, 02-02, 02-03, ... ва ҳ.к. тартиб рақамлари қўйилади)

БПТ гувоҳномалари ҳисобини юритиш учун тегишли туман (шаҳар) партия кенгаши томонидан дафтар юритилади ва гувоҳномалар ушбу дафтарга қайд қилиб борилади.

Тегишли минтақавий партия кенгаши Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори томонидан БПТ гувоҳномалари рўйхати қайд этилган дафтар мунтазам назорат қилинади.

БПТ гувоҳномаси тегишли туман (шаҳар) партия кенгаш раиси томонидан **БПТларга тантанали равишда** топширилади.

БПТ гувоҳномасини берилишида тегишли туман (шаҳар) партия кенгаши томонидан БПТ гувоҳномалари учун юритиладиган дафтарга БПТ раиси қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйилади.

БПТ гувоҳномаси маҳсус рамкага солинади ва БПТ раиси хонасида сақланади, сақланишига БПТ раиси жавобгар бўлади.

БПТ гувоҳномаси яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқотилган ҳолатда БПТ раисининг тушунтириш хати ва туман (шаҳар) партия кенгаши мурожаат хатига асосан минтақавий партия кенгаши томонидан қайта янги гувоҳнома берилади.

БПТ тугатилган ёки ҳудудий БПТга бирлаштирилган ҳолатда туман (шаҳар) партия кенгаши томонидан минтақавий партия кенгашининг БПТлар билан ишлаш секторига БПТ гувоҳномаси топширилади.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади. Туман (шахар) кенгаши раисининг лавозим маоши партияниң давлат бюджети маблағлари ҳисоблиялаштирилади.

Туман (шахар) партия кенгаши раисини сайлаш түғрисидаги қарор тегишли минтақавий партия кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси Ҳайъати томонидан тасдиқланади.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси партия Устави доирасида ўз ваколатларини амалга оширади.

*Туман (шахар) партия кенгаши раиси ўз фаолиятини амалга оширишда масалаларни **кабинетда ўтириб эмас**, жойларга чиқиб ҳал этишга эътибор қаратиши лозим.*

Туман (шахар) партия кенгаши раиси партия дастурий мақсадларини тегишли ҳудудда амалга оширишда масъул ҳисобланади, биринчи навбатда ҳудудда партия электорати муаммоларини ўрганади, уларни ҳал этиш чораларини кўради, ҳудудда “Муруват”, “Саховат”, “Меҳрибонлик” уйлар мавжуд бўлган тақдирда, улар билан узвий ҳамкорлик қиласи, муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар беради.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланганда ва унда партия гуруҳи тузилган тақдирда, ушбу гурухга раҳбар этиб сайланиши мумкин.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими, бандликка қўмаклашиш маркази, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўйича туман филиаллари фаолияти устидан самарали депутатлик назорати ўрнатилишини йўлга қўяди.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси, партия депутатлик гуруҳи ваколатларидан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда аҳолини, электоратни қийнаётган муаммоларни қисқа муддатда ҳал этишга эътибор қаратиш лозим.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси ҳудуддаги Жамоатчилик қабулхонаси самарали фаолият кўрсатиши учун, уни тегишли адабиётлар ва жиҳозлар билан таъминлайди, фуқаролар учун қулай шароитлар яратади.

Туман (шахар) партия кенгаши раиси Жамоатчилик қабулхоналарига келаётган ҳар бир мурожаат билан шахсан шуғулланади ва имкон даражасида туман (шахар)нинг ўзида унинг ечимини топиш чораларини кўриш керак.

Жамоатчилик қабулхонасига бўлган мурожаатлар ва унинг ижроси түғрисидаги маълумотлар алоҳида тутилган журналда қайд этиб борилади.

# ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Туман (шахар) партия ташкилотлари партияниң тегишли минтақавий ташкилотлари таркибига кирувчи туман (шахар)даги алоҳид бўлинмаси бўлиб, тегишли ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотла фаолиятини бошқаради, мувофиқлаштиради ва бирлаштиради. Партияниң халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашидаги депутатли гуруҳи билан мунтазам иш олиб боради, улар фаолиятига кўмаклашади ва тегишлича ахборот(маълумот)лар алмашишни таъминлайди.

Туман (шахар) партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарор тегишли минтақавий партия ташкилоти таклифига биноан Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Туман (шахар) партия ташкилотининг раҳбар органи унинг конференцияси бўлиб, қуидаги ваколатларга эга:

- туман (шахар) кенгаши аъзоларини сайлаш;
- туман (шахар) кенгаши тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
- туман (шахар) партия ташкилоти, туман (шахар) кенгаши тафтиш комиссияси ҳисботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- тегишли халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашидаги партия гурухининг ҳисботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- туман (шахар) партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- минтақавий партия ташкилотининг конференциясига делегатла сайлаш;
- минтақавий партия кенгашига юбориладиган туман (шахар) партия ташкилоти вакилларини тегишли қисмини сайлаш;
- туман (шахар) партия ташкилоти фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқиш.

Конференциялар оралиғида партияниң туман (шахар) кенгаши тегишли туман (шахар) партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, уни манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади, Устав доирасида ўз ваколатларини амалга оширади.

Туман (шахар) партия кенгаши ижроия қўмитаси тегишли туман (шахар) партия ташкилотининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органидир. Туман (шахар) партия кенгаши пленумлари оралиғида ижрои қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, туман (шахар) партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Молиявий имкониятлар мавжуд бўлганда, туман (шаҳар) партия кенгаши ва унинг ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашда кенгаш ишчи аппарати тузилади.

Ишчи аппарат партияниң тегишли йўналишларидағи ишларни туман (шаҳар)да ташкиллаштиради, маълумотлари умумлаштиради минтақавий партия ташкилотига юборилишини таъминлайди.

Туман (шаҳар) партия кенгаши аппарати таркиби, сони ва иш тартиби Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати қарори билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) кенгаши иш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, партияниң фаол аъзолари, ёшлар, хотин-қизлар орасидан кўнгилли (волонтёр)лар жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон ХДП туман (шаҳар) кенгашлари ташқи томонида, ҳамма учун кўринадиган жойда партия эмблемаси туширилган ҳолда туман (шаҳар) кенгаши номи ёзилган бўлиши лозим. Шунингдек, кириш эшиги ёнида (тепа қисмida) партияниң туман (шаҳар) ташкилоти номи ёзиб қўйилган бўлиши шарт.

### *Партияниң туман (шаҳар) кенгашига кириш жойларида зарур ҳолларда пандуслар ўрнатилиши шарт.*

Туман (шаҳар) кенгашининг ташқи қисми, ҳовлиси, ички қисмлари, хоналари доимо тоза-озода, таъмирланган ҳолатда бўлиши тегишли кенгаш раиси томонидан таъминланади.

Туман (шаҳар) кенгашининг хоналари шинам ва ишлаш учун қулай шароитларга эга бўлиши керак. Ходим столи замонавий иш қуроллари, хусусан замонавий компьютер билан жиҳозланган бўлиши зарур.

Туман (шаҳар) кенгашида партия Устави, Сайловолди дастури, партия ҳаётига оид адабиётлар ва тарқатма материаллар, партия шиор ва лозунглари ёзилган баннерлар, паучоклар, Олий Мажлис Қонунчиллик палатасидаги партия фракцияси ва унинг аъзолари тўғрисида маълумотлар, маҳаллий Кенгашларга шу туман (шаҳар)дан сайланган партия депутатлар ва уларнинг фаолияти тўғрисида маълумотлар, ахборотлар ва эътирофга муносиб амалий ишлар бўйича маълумотлар бўлиши лозим.

Туман кенгашида БПТлар фаолияти бўйича Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари Низоми, БПТ кундалиги, партия сафига қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш китоблари, БПТларни тузиш ва тугатишга оид туман (шаҳар) кенгаши Ижроия Қўмитаси қарорлари, партия аъзоларини аъзолик бадали тўловидан вақтинча ва тўлиқ озод этиш бўйича минтақавий кенгаш Ижроия қўмитаси қароридан кўчирма, партия аъзоларининг ҳисоб варақалари, БПТларнинг соҳалар таркиби, раислар таркиби, партия аъзоларининг сон таркиби, БПТ базаси, БПТ аъзолар базаси, қониқарли, қониқарсиз, алоқасини узган, бадал тўлайдиган, тўламайдиган БПТлар базаси, БПТлардаги сиёсий ўқувлар юзасидан маълумотлар бўлиши лозим.

# МИНТАҚАВИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Минтақавий партия ташкилоти (14 та) партияning Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлинмаси бўлиб, тегишли ҳудудда жойлашган туман (шаҳар) партия ташкилотлари фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида ташкил этилади.

Минтақавий партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарор Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Минтақавий партия ташкилотининг раҳбар органи унинг конференцияси бўлиб, қуидаги ваколатларга эга:

- тегишли минтақавий партия кенгаши аъзоларини сайлаш;
- минтақавий партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
- минтақавий партия кенгаши, минтақавий партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳисботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гурухининг ҳисботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- минтақавий партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- партия қурултойига делегатлар сайлаш;
- тегишли тартибда партия Марказий Кенгашига юбориладиган минтақавий партия ташкилоти вакилларини сайлаш;
- тегишли тартибда партия Марказий Тафтиш Комиссиясига юбориладиган минтақавий партия ташкилоти вакилларини сайлаш;
- минтақавий партия ташкилоти фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқиши.

Конференциялар оралиғида, минтақавий партия кенгаши тегишли минтақавий партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади, Устав доирасида ўз ваколатларини амалга оширади.

Минтақавий партия кенгаши ижроия қўмитаси тегишли минтақавий партия ташкилотининг доимий фаолият юритувчи раҳбар органидир. Минтақавий партия кенгаши пленумлари оралиғида ижроия қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, минтақавий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Минтақавий партия кенгаши аппарати

Минтақавий партия кенгаши раиси кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади. Минтақавий партия кенгаши раисини сайлаш тўғрисидаги қарор Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати томонидан тасдиқланади.

Минтақавий партия кенгаши раиси партия Устави доирасида ўз ваколатларини амалга оширади.

## **ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ АППАРАТИ**

Партия Марказий Кенгаши, Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва унинг Ҳайъати фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий таъминотини Марказий Кенгаш аппарати амалга оширади.

Марказий Кенгаши аппарати таркиби, сони ва иш тартиби Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати қарори билан тасдиқланади.

Марказий Кенгаши аппарати масъул ходимлари Ижроия қўмита Ҳайъатининг тегишли қарорларига асосан, Марказий Кенгаш раиси фармойишлари билан лавозимга тайинланадилар ва озод этиладилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати таркиби Марказий Кенгаш раиси, раис ўринбосарлари, аппарат раҳбари, бўлимлар бошлиqlари, гуруҳ раҳбари, секторлар мудирлари, бош референтлардан иборат.

Раҳбарият томонидан берилган топшириклар, ламажбуриятларида белгиланган вазифалар аппарат масъул ходимлари томонидан ижро этилади. Аппарат масъул ходимлари тегишли йўналишлар бўйича жойлардан маълумотлар олиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва мониторингини юритиш, таклифлар ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланадилар. Ўз йўналишлари бўйича партиянинг минтақавий ва туман (шахар) ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Партияниң турли тадбирларини ташкил этиш, жумладан раҳбар органлар йиғилишлари ташкил этиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан узвий алоқани таъминлаш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш Марказий Кенгаш аппаратининг тегишли бўлимларидаги масъуллар томонидан амалга оширилади.

Аппарат ходимлари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятларини олиб борадилар.

Минтақавий партия кенгashi раиси үз фаолиятini амалга оширишда масалаларни кабинетда ўтириб эмас, жойларга чиқиб ҳал этишга эътибор қаратиши лозим.

Минтақавий партия кенгashi раиси партия дастурий мақсадларини тегишли ҳудудда амалга оширишда масъул ҳисобланади, у ҳудуддаги “Муруват”, “Саховат”, “Меҳрибонлик” уйлари билан узвий ҳамкорлик қилади, муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар бериши керак.

Минтақавий партия кенгashi раиси тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланганда ва унда партия гурӯҳи тузилган тақдирда, ушбу гурӯҳга раҳбар этиб сайланиши мумкин.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси (вазирлиги), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси(вазирлиги) фаолияти устидан самарали депутатлик назорати ўрнатилишини йўлга қўяди.

Минтақавий партия кенгashi раиси туман (шаҳар) партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари самарали фаолият юритишини назорат қилади, ҳар ойда З та туман (шаҳар)га чиқиб, партия ташкилотининг фаолияти билан яқиндан танишиб, амалий ёрдам кўрсатади.

Партияning минтақавий кенгashiга кириш жойларида зарур ҳолларда пандуслар ўрнатилиши шарт.

Минтақавий партия ташкилотининг аппаратида, лавозим маоши давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаш-тириладиган қуидаги масъул ходимлар фаолият юритади:

Раис;

Раис ўринбосари - мафкура бўйича бўлим бошлиғи;

Ташкилий-назорат ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўлими мудири;

Ташкилий-назорат ва кадрлар билан ишлаш масалалари бўлими етакчи референти;

Депутатлик бирлашмаларининг ишини мувофиқлаштириш ва Жамоатчилик қабулхоналари билан ишлаш бўлими мудири;

Хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири;

Бухгалтер;

Ушбу масъул ходимлар ўз йўналишлари бўйича туман (шаҳар) кенгашлари томонидан амалга оширилаётган иш мувофиқлаштириш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, мониторингини юритиш масалалари билан шуғулланадилар.

Партия фаолияти билан боғлиқ бўлган минтақавий даражадаги масалалар мониторинги ва тегишли маълумотларни умумлаштириш бевосита минтақавий кенгашдаги тегишли масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.



## ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТИЗИМИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Партия кадрлари тушунчаси ва уларнинг таснифи

Кадрлар - (франц. cadre - шахсий таркиб) – ташкилот ходимларининг асоси (штатга оид) таркиби; барча доимий ходимлариdir.

Бошқарув соҳасида «кадрлар» тушунчаси бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва ташкиллаштириш билан шуғулланувчи шахсларни бирлаштиради.

Ана шу атамадан келиб чиқиб, партия кадрларини сиёсий партияларни ахборот-таҳлилий ва ташкилий таъминоти учун яратиладиган ижроия аппаратининг доимий ходимлари таркиби, деб белгилаш мумкин.

Кенгроқ маънода партия кадрларига партиянинг сайланадиган органлар аъзоларини ва улардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатларни ҳам киритиш мумкин.

Партия кадрлари билан ишлашнинг сиёсий жиҳатдан асосланган зарур шарти уларнинг таснифи бўлиб, уни бир қатор мезонлар бўйича ошириш мумкин:

- партия фаолияти жараёнидаги функционал роли, яъни партия қарорлари ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ташкиллаштиришда иштирок этиши даражаси кўра (партиянинг сайланадиган раҳбар ва ижроия органлари аъзолари, пар фракциялари ва жойлардаги депутатлик бирлашмаларининг аъзолари, штатдаги партия аппарати);

- ташкилотдаги лавозим вазифаларига кўра (етакчилар, оддий фаоллар ва аппарат ходимлари ва ҳ.к.);

- шахснинг ижтимоий хусусиятларига кўра (жинси, ёши, маълумоти, иш статуси ва ҳ.к.);

- касбий мансублилигига кўра (юристлар, сиёсатшунослар, файласуфлар, педагоглар, муҳандислар, шифокорлар ва ҳ.к.).

Шуни таъкидлаш керакки, бошқарув фанига қўра кадрларни биринчи мезон бўйича таснифлаш энг катта аҳамията эга. Функционал вазифасига қўра бошқарув жараёнида кадрлар учта гурухга бўлинади:

- раҳбарлар, етакчилар – бошқарувга оид қарорларнинг қабул қилиниши ва ижросини таъминлаш учун масъул шахслар. Улар ташқи ва ички ташкилий раҳбарлик қилиш ваколатига эга, демак, уларнинг қўл остидаги ходимлари ҳам бор Раҳбариётга партия етакчилари, уларнинг марказий, ҳудудий, туман ва шахар кенгашлари раҳбарлари, тегишли партия аппаратининг бўлим мудирлари ва бошқалар киради;

- мутахассислар (экспертлар, референтлар ва ҳ.к.) – бевосита ташкилий ва ахборот-таҳлилий ишлар билан банд бўлган ва бунда бирон-бир турдаги, соҳадаги маҳсус билим ва кўникмалардан фойдаланувчи, аммо ички ташкилий бошқарув ҳуқуқига эга бўлмаган, ва демакки, қўл остидаги ходимлари йўқ шахслар (сиёsatшунослик, ҳуқуқ, педагогика, соғлиқни сақлаш, муҳандислик-технологик соҳа вакиллари ва ҳ.к.);

- техник ижрочилар (хизмат қўрсатувчи ходимлар) – ахборотни ва унинг моддий ташувчиларини тўплаш, уларга ишлов бериш, қайд қилиш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича техник амалиётларни бажарувчи шахслар (иш юритувчилар, котиблар, ҳисобчилар ва ҳ.к.).

Кадрлар билан ишлаш партияning кадрлар сиёsatини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий тадбирлари ва техник усуллари мажмуасидан иборатdir. Кадрлар билан ишлаш тизими қуйидаги элементлардан иборат:

- мақбул ташкилий тузилмасини шакллантириш, унинг мақбул фаолият юритиши учун зарур ходимлар сонини, уларнинг лавозимини тоифалаштириш ва касбий тайёргарлик даражасини аниқлаш;

- бевосита кадрлар билан ишлаш – танлаш, жойлаштириш, лавозимини ўзгартириш, хизмат поғонасидан ўсиш учун захирани шакллантириш, ходимларни баҳолаш;

- кадрларни тайёрлаш – бирламчи тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;

- меҳнат фаолигини рағбатлантириш ва кадрларни тарбиялаш – маънавий ва моддий рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш, интизомни ва масъулиятни мустаҳкамлаш, қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш.

Кадрлар билан ишлашнинг санаб ўтилган элементлари кадрларга оид функциялар доирасида амалга оширилади ва унинг асосий мазмунини очиб беради. Демак, партиядаги кадрларга оид вазифалар муайян талабларга жавоб берадиган кадрларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш орқали уларнинг зиммасига юқлатилган вазифаларини бажариш бўйича партияning марказий, ҳудудий, туман ва шаҳар органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ташкилий таъминотидан ташкил топади.

Сиёсий партиялардаги кадрларга оид сиёsat муайян принципларга асосланиши керак. Булар қуйидагича:

- кадрларга оид муаммоларни ҳал қилишда асосланганлик, ҳаққонийлик, тизимлилик ва мажмуавийлик;

- истиқболлилик, унинг кадрларга оид вазиятни таҳлил қилишга асосланган илғор ва узоқни кўзловчи характерга эгалиги;

- партия кадрлари, профессионал партия аппарати ходимлари ва уларнинг ишбилиармонлик ва аҳлоқий фазилатларига кўра захирага киритилган ходимларнинг синчковлик билан танланиши;
- кадрларга бўлган ишонч ва ҳурматни уларга бўлган принципиал талабчанлик билан мувофиқлиги;
- кадрларнинг ворисийлиги ва янгиланиши, ёш ва тажрибали кадрларга мос келишлиги;
- кадрлар масаласиниadolатли ҳал қилишда қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминловчи партия кадрларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари масъул лавозимларига кадрлар билан ишлаш “Ўзбекистон ХДП ташкилотларида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари асосида олиб борилади.

Партия тизимида кадрларни ишга олишда қуйидаги талаблар қўйилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш;
- бошқа сиёсий партияда аъзо бўлмаслик (туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимида тавсия этиладиган ходимлар Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлиши шарт);
- туман ва шаҳар кенгаши раиси лавозимида тавсия этилаётган ходимлар олий маълумотга эга бўлиши;
- Назорат-тафтиш бўлими бошлиғи ва Бosh бухгалтер лавозимида тавсия этилаётган ходимлар ўз мутахассислиги бўйича маълумот ҳамда камида уч йиллик иш стажига эга бўлиши;
- туман ва шаҳар кенгаши раислиги лавозимида тавсия этилаётган ходимлар мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва демократик ислоҳотларнинг асосий устуворликларини, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини билиши ва аниқ англашлиги ҳамда ташкилотчилик ва етакчилик қобилияtlари, жамоада ишлаш, ахборот-таҳлилий фаолият юритиш, омма олдида чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;
- электрон ҳужжат алмашиш тизимида ишлаш асосларини билиш, компьютерда ишлаш борасида амалий кўникмаларни эгаллаган бўлиши, интернет тармоғи, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш, электрон почта ва электрон ҳужжат алмашиш тизимидан, оргтехникадан фойдаланишни билиши;
- юксак маданиятлилик ва маънавий етуклик.

Партияда, етакчилик қобилиятига эга ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга интилаётган, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юксак тайёргарликка эга, олий ўқув юртлари битирувчилари бўлган ёш, истиқболли кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор мажлисда иштирок этиётган қурултой делегатлари (Марказий Кенгаши аъзолари)нинг кўпчилиги ёқлаб овоз берганда қабул қилинади ва тегишли баённом билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Партияning Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларида иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичida Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига партиядан номзодлар тегишли партия кенгашлари томонидан кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига Партиядан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор тегишли партия кенгаши йиғилишида, унда иштирок этиётган аъзоларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва баённома расмийлаштирилиб, тегишли сайлов комиссиясига топширилади.

*Депутатликка сайловларда номзодлар халқ орасида обрў-эътиборга эга, давлат ва жамият ҳаётида ўзининг намунали, ибратли фаолияти билан номзодланган, катта ҳаётий тажриба ва билимга эга партия аъзолари орасидан танланади.*

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловларида иштирок этиш ва Партиядан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли партия кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Сайловларда партияning муваффақиятли иштирок этиши, кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритиши учун партия ташкилотлари раҳбарлари тегишли чораларни қўллайди. Хусусан, тарғибот-ташвиқо ишларида партияning электорати, фаоллари, аъзолари томонидан тегишлича ишлар ташкиллаштиради.

Сайловлардаги муваффақият кўп жиҳатдан қуийи партия ташкилотларининг режалаштирилган чора-тадбирларни амал оширишдаги саъй-ҳаракатига боғлиқ.



# САЙЛОВЛАР

Сайловларда эришиладиган муваффақият партияниң жамиятдаги мавқеини акс эттиради. Сайлов жараёнларига тайёргарлик ва уни уюшқонликтардан ўтказиш, биринчи навбатда, жойлардаги партия ташкилотлари раҳбарларидан, шунингдек, масъуллари ва партия фаолларидан юксак ирода талаб этади.

Партияниң сайловларда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Сайлов Кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Партияниң иштироки тўғрисидаги қарор, сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичida Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси томонидан чақирилган партия Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан номзод қурултойда кўрсатилади, бу ҳақдаги қарор қурултой делегатларининг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда Партияниң иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов кампанииси бошланиши эълон қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичida, Партия Марказий Кенгашининг Ижроия Қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига навбатдаги сайловларда қурултой томонидан, бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловида Марказий Кенгаш пленуми томонидан кўрсатилади.



# ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Партия ташкилотларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган партия ташкилотларида давлат тили билан бир қаторда бошга тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларида ҳужжатлар билан ишлаш ушбу иш учун тайинланган ходимга юклатилади. Биритирилган ходим келиб тушган ҳужжатларни қабул қилади, рўйхатга олади ҳамда чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олади ва жўнатади, кириш хат-ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилишини назорат қиласиди. Шунингдек, ҳужжатлар йиғмажиллари номенклатурасини тузиб, йиғмажилларни шакллантиради. Туман ва шаҳар кенгашларида эса иш юритишнинг аҳволи учун жавобгарлик шахсан мазкур туман ва шаҳар кенгашининг раиси зиммасига юклатилади. Партия ташкилотларида кириш ва чиқиш ҳужжатлари учун алоҳида журнал юритилади.

Чиқиш ҳужжатлари расмий бланкларда расмийлаштирилади ҳамда раис ёки унинг топшириғига биноан раис ўринбосарларининг бири томонидан имзоланади.

*Партия ташкилотларида иш юритиш Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларида ва туман (шаҳар) кенгашларида иш юритиш бўйича Йўриқнома асосида амалга оширилади.*

Мазкур йўриқномада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари аппаратларида ва туман (шаҳар) кенгашларида ҳужжатларни тайёрлаш қоидалари, усуллари ва жараёнлари, улар билан ишлаш тартиби белгиланган.

# ИМА? ПАРТИЯ ГУРУХИ НИМА?

# ИМА? ПАРТИЯ ГУРУХИ НИМА?

# ИМА? ПАРТИЯ ГУРУХИ НИМА?

томонидан

партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгитартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат фақат шу партияниң партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равиша Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашларидаги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоятлар марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган **камида беш нафар депутат** бирлашган тақдирда тузилади.

**Партия гуруҳи ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.**

**Партия гуруҳининг фаолияти қўйидаги ҳолларда тугатилади:**

- партия гуруҳининг ўз ташабbusи билан;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда;
- партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун тартиблашадиган меъёрдан камайиб кетганда;
- тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилганда.

**Партияning гуруҳлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги тузишда иштирок этиш;
- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринbosарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;
- тегишли равиша Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринbosарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ишбуни худудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш.



# ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

*Депутат - фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртни ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга шахс.*

**Ш.Мирзиёев**

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоят Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларидағи депутатлик гурухлари партия дастурий мақсадларини амалга оширишда асосий куч ҳисобланади.

Депутатлик гурухлари фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиш, партия масъулларининг депутатлар билан самарали муносабатларини таъминлайди.

Партия ташкилотлари томонидан барча даражадаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш тўғри йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Депутатларнинг ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун улар билан етарлича иш олиб борилиши талаб этилади. Депутатларга депутатлик сўрови депутатлик назорати институтидан фойдаланишлари бўйича кенг имкониятлар берилган. Жойлардаги партия ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимларининг кўпчилиги маҳаллий Кенгашлар депутати эканлигини эътиборга олиб, бу борадэги қатор масалаларга тўхталиб ўтилади.

## ДЕПУТАТ КИМ?

Тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига (бундан буен матнда халқ депутатлари Кенгashi деб юритилади) сайланган ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тегишинча вилоят, туман ва шаҳар сайлои комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

Баённомада қуидагилар кўрсатилади: ўтказиш санаси, сайланган қатнашган делегатлар. Таклиф этилганлар рўйхати илова қилинади.

Қарорлар Марказий Кенгаш (мintaқавий, туман, шаҳар кенгаш) раиси ёки қурултой (конференция), пленум ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси Ҳайъати, Ўзбекистон ХДП вилоят (Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар) кенгашининг ижроия қўмитаси ииғилишларида баённомалар юритилади.

Уларда қуидагилар кўрсатилади:

- сайланма орган номи;

- баённома рақами, ииғилиш санаси;

- раислик қилганлар, қатнашган Ижроия қўмита (Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси Ҳайъати) аъзолари, аппарат функционал ходимларининг фамилиялари ва рўйхатлари илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича баённомага қабул қилинган қарорлар киритилади.

Баённомалар ҳамда баённомаларга киритилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар раислик қилган шахс томонидан имзоланади.

Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш қуидагилар воситасида таъминланади:

- тегишли таркибий бўлинмалар (мintaқавий кенгашларда), мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан тасдиқланган муддатларда амалий чоралар кўриш билан;

- уларнинг қуи ташкилотларда бажарилишининг боришини мақсадли ўрганиш орқали.

Иш юритиш сектори (иш юритиш учун тайинланган ходим) ходимлар назоратида бўлган қарорлар ва топшириқлар ҳисобини ташкил этади. Уларнинг бажарилишини кузатади ва бажарилган қарорларнинг назоратдан олиниши тўғрисидаги таклифларни ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.

Топшириқларда бир неча бажарувчилар кўрсатилган бўлса, топшириқда биринчи бўлиб қайд этилган шахс бажаришнинг боришини умумлашган кўринишда таъминлайди.

Тегишли қарорларнинг сўров йўли билан қабул қилинишида визалар тўпланади ёки телефон орқали келишилади ва раис ёки тегишли лойиҳани тайёрлаган ва бу масала билан шуғулланувчи бўлим масъул ходимларига олиб кирилади.

Қарорлар лойиҳалари кўриб чиқиш учун бўлимлар (масъул ходимлар) томонидан тайёрланади ва имзо йиғилади.

Қарор лойиҳалари тегишли кенгашининг пленуми, ижроия қўмитаси (МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати)да кўриб чиқилганидан сўнг тегишли бўлим (масъул ходим) томонидан З кун мобайнida муҳокама пайтида билдирилган таклиф ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда такомилига етказилади ва имзога киритилади.

## **Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлар депутатларининг ҳуқуқлари:**

тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлиси кун тартиби муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масаланинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдириш;

тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида куриб чиқилиш учун масалалар таклиф этиш;

депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш;

Кенгаш мунозараларида иштирок этиш, маъruzachi ва раислик қилувчига саволлар бериш;

ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқиш ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ бериш;

тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топшириш;

тегишли халқ депутатлари Кенгаши таркибидаги ўзи ўзоз бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида баён этишга ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равишда маълум қилишга;

тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахсонинг ҳисботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишига;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун хужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этиш.



---

---

---

---

(депутат сўрови юборилаётган  
давлат органи раҳбари)

**ДЕПУТАТСЎРОВИ**  
(намунавий шакл)

---

---

---

---

(муаммоли масаланинг асосий мазмуни)

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши  
депутатининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Сиздан қуидаги масалалар бўйича  
ахборот беришингизни сўрайман:

- 1) \_\_\_\_\_  
2) \_\_\_\_\_

Депутат сўровига жавобни депутат сўровини олган кундан эътиборан  
10 кундан кечиктирмасдан тақдим этишингизни сўрайман.

Халқ депутатлари \_\_\_\_\_  
Кенгаши депутати \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

# *Бунда депутат қуиидагиларга алоҳида эътибор қаратади:*



*Депутат сўрови нима?*

*Депутат сўрови нима?*

*Депутат сўрови нима?*

Масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқиш орқали ечимини топиш қуидаг кетма кетлиқда амалга оширилади:

партия ҳаракат дастурида белгиланган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан электоратни безовта қилаётган муҳим масалаларни аниқлаш;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯҳи йиғилишида ўрганиш учун ишчи гурӯҳини шакллантириш ( Қонунчиликда белгиланган тартибда Фракция аъзоларини партия гурӯҳлари йиғилиши ишида маслаҳат овози билаништирок этиш);

ишчи гурӯҳи томонидан жойига чиқиб, саволнома асосида масалани ўрганиш, ўрганиш натижасида маълумотнома ҳамда партия гурӯҳининг қарор лойиҳасини тайёрлаш;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯҳи йиғилишини ўтказиш ва масала юзасидан депутатлик гурӯҳининг Қарорини қабул қилиш;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурӯҳи йиғилиши қарори асосида масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг тегишли доимий комиссия кун тартибига муҳокама учун тавсия этиш;

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги тегишли доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқиши ва масалани ечимиға қараб уни сессия кун тартибига киритиш юзасидан қарор қабул қилиш;

сессия кун тартибига киритиш;

доимий комиссия ёки сессия Қарорини бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш.

Халқ депутатлари Кенгашида 7(6) та доимий комиссиялар фаолият юритади. Ундан ташқари халқ депутатлари Кенгашининг қарорига кўра маълум бир масалаларни ўрганиш бўйича муваққат комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Доимий комиссия йиғилишини ташкил этиш ва қарор қабул қилишда қуидагилар эътиборга олиниши лозим:

Масалани муҳокама қилиш учун материалларнинг етарлилиги ва масалага тегишли мутасадди ташкилот вакилларининг иштироки;

Масала юзасидан қарор қабул қилишда аниқ вазифаларнинг белгиланиши.

Масалаларни Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига киритиш тартиби:

1) масалани ўрганиш юзасидан саволнома тузилади. Ишчи гурӯҳ аъзолари ҳудудларга бириктирилиб, масала жойларда ўрганилади;

2) маълумотлар умумлаштирилиб, таҳлил этилади. Депутатлик гурӯҳи ёки доимий комиссия мажлисида кўриб чиқилади. Масалага тааллуқли мансабдор шахслар ҳисботи эшитилади;

3) халқ депутатлари вилоят,туман,шаҳар Кенгаши раисига масалани сессия кун тартибига киритиш таклифи билдирилади. Сессия ишида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинади;

4) фракция ва халқ депутатлари Кенгашидаги партия гурӯҳлари қарорлари ижро этилиши устидан мониторинг (назорат) ташкил этилади.

**Масалани сессияга киритилиши – ҳали тўлиқ мақсадга эришилди дегани эмас!**

Шахсий иш режасини тузатганда депутатлик фаолиятининг қуидаги йўналишларини ҳисобга олиш зарур:

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида, шу жумладан кўрилаётгача масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш;

Халқ депутатлари Кенгашининг ўзи аъзо бўлган доимий комиссияларни ишлаш;

Халқ депутатлари Кенгashiда ташкил этилган партия гуруҳида ишлаш;

Депутатнинг сайловчилар билан, уни халқ депутатлари Кенгашига номзодларни кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш.

Депутат ўзининг шахсий иш режасида қуидагиларга алоҳида эътибор берадиган масалаларни қардиши лозим:

- учрашувлар;
- оммавий ахборот воситалари билан ишлаш;
- тадбирлар.

Халқ депутатлари Кенгашидаги доимий комиссия йиғилишида муҳокама этиладиган масалалар қандай тайёрланади?

Иш режадаги масала юзасидан ёки партиянинг сайловолди дастурида белгиланган тегишли ҳудудда муаммога айланган масала юзасидан қонунчилик тизими ўрганилади (Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Қарорлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Давлат дастурлари ва меъёрий ҳуқуқий хужжатлар ўрганиб чиқилади)

Қонун хужжатларининг ижроси қай даражада ташкил этилганлигини ўрганишада тегишли ташкилот мутахассислари иштироқида Ишчи гуруҳи тузилади. Ишчи гуруҳ таркиби Доимий комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси нима?

Сессия – халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ишларини

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоқим, ҳоқим йўқлигига эса унинг ўринbosарларидан бири томонидан зарур қараб, бироқ, йилига камида икки марта чақирилади. Сессия, шунингдек халқ депутатлари тегишли Кенгashi депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олди хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоқим томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичине қараб, бироқ, йилига камида икки марта чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгashi сессияларида ҳоқим, у йўқлигига эса Кенгашининг қарорига ёки ҳоқимни топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қиласиди.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларни камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгashi сессиясида муҳокама этиладиган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатларни умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.



100060, Toshkent sh., A.Temur 17, tel.: 233-43-59

«\_\_\_» 20 \_\_\_ у.

— - sonli

DEPUTAT SO`ROVI

Қашқадарё вилоят Халқ таълими  
бошқармасининг бошлиғи  
га

Хурматли \_\_\_\_\_!

Сизга маълумки, 2019 йил 12 сентябрь 311-сонли хат билан Қашқадарё вилоят ҳокими З.Рузиевга Қарши туманида жойлашган мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ўрганиш натижалари бўйича депутатлик мурожаати билан чиқсан эдим.

Мен ўз хатимда Қарши туманидаги 4-9-21-23-29-31-35-37-44-46-47-48-57-59-68-70-71-умумтаълим мактабларининг ҳамда 6-14-17-19-27-29-37-40-42-43-48-49-52-60-61-сонли мактабгача таълим муассасаларининг таъмирталаб аҳволда эканлигини маълум қилиб, вилоят ҳокимидан ушбу обьектларни ижтимоий-иқтисодий йўналишларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган Давлат Дастурларига киритилишида амалий ёрдам беришини сўраган эдим.

Вилоят ҳокимлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрь куни К-3909 рақами билан рўйхатга олинган хатнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сизга вилоят ҳокимининг зудлик билан барча масалалар бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиб, камчиликларни бартараф этиш вазифаси топширилган эди.

Сиздан юқоридаги таълим муассасалари шароитини яхшилаш мақсадида бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ёзма ахборот беришингизни сўрайман.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят  
кенгаши раиси, халқ депутатлари  
вилоят Кенгашидаги партия  
гуруҳи раҳбари

О.Равшанов

Тел: (75) 221-41-71

Сессия қарори лойиҳаси масалага тегишли бўлган халқ депутатлари Кенгашидаги доимий комиссия томонидан тайёрланади. Масалан, **маҳаллий бюджетни ёки унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш масаласи бўйича халқ депутатлари Кенгашининг қарорининг лойиҳасини тайёрлаш** Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия зиммасига юклатилади.

### **Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторингни (назорат) ташкил этиш қандай амалга оширилади?**

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессияси қарорларининг ижро этилиши устидан мониторингни амалга ошириш жараёнини шартли равишда бир нечта ўзаро боғлиқ бўлган босқичларга бўлиш мумкин.

1-босқич – Доимий комиссиянинг йиғилиши ўтказилади ва ишчи гуруҳ тузилади. Сессия қарори ижросини назорат қилиш бўйича иш режа ишлаб чиқилади.

2-босқич – Иш режага мувофиқ, Кенгаш қарори тегишли ижро ҳокимиюти органларига етказилади. Кузатув хатида Кенгаш қарорининг ижро этилиши ва натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

3-босқич – ишчи гуруҳ аъзолари халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши натижалари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради. Ўтказилган мониторинг якунлари ОАВда ёритилади.

Якуний босқич – халқ депутатлари Кенгаши қарорининг ижро этилиши якунларни тўғрисидаги масала халқ депутатлари Кенгашининг сессиясига киритилади. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссияси раиси ёки ишчи гуруҳ аъзоларидан бири қилинган ишлар тўғрисидаги ҳамда қарорнинг ижро этилиши якунлари ҳақидаги ахборот билан сессияда чиқиш қиласи. Натижада сессияда янги қарор қабул қилинишига эришилади.

***Депутат қатъиятли, ташаббускор, ҳуқуқий билимларга эга, масъулиятли бўлиши керак.***

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш жараёнида маҳаллий вакиллик органлари бўлган вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Маъмурий-худудий бирликлар аҳолиси томонидан сайланувчи Кенгашлар аҳолининг тегишли вилоят, туман ва шаҳар ижроия ҳокимиюти бошлиқлари (ҳокимлар), шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари олдидаги манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим бўғин ҳисобланади.

**Маҳаллий вакиллик органлари** ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда, шунингдек, уларни тегишли ҳудудда ижроия ҳокимиюти органлари томонидан амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этадилар.

**Эслатма:** Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партияниң ҳисоб-китоб варағига юридик шахслар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидаларида назарда тутилган реквизитларни кўрсатган ҳолда ўтказади ва тўлов топшириқномасида қонунда назарда тутилган хайрия ёрдами беришга чеклашлар йўқлиги ҳақида белги қўяди.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

(Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси)

**Эслатма:** Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъзолик бадалларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партияниң ҳисоб-китоб варағига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳамда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказади.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг онунда кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичида сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

(Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси)

Ўзбекистон ХДПда молиявий масалалар **Ўзбекистон ХДП ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом** билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг б-моддасига мувофиқ, маҳаллий вакиллик органи ҳисобланган халқ депутатлари Кенгаши қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар, агар ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса имзоланган вақтдан бошлаб ичка киради. Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати доирасида қабул қилган ҳужжатлар, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Кенгаши қарорларидан иборат ахборотлар оммавий ахборот воситаларида нашир қилиниши баробарида, мазкур Кенгаши қарорлари ижросига масъул этиб тайинланади ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ҳам жўнатилиши зарур.

Сессия кун тартибида киритиладиган масалаларни олдиндан қўриб чиқиш тайёрлаш учун Халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари муддати учун бошта ижтимоий бўғинларда ўз фаолиятини амалга оширувчи **доимий ва вақтингчалик комиссияларни** тузади.

**Доимий комиссиялар** сессиялар оралиғидаги вақт давомида Кенгашининг асоси ишчи органи ҳисобланади. Доимий комиссиялар мажлислари уларда доимий комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Доимий ва вақтингчалик комиссиялар раиси ва аъзолиги учун номзодлар сессияда ҳоким – халқ депутатлари Кенгаши раиси томонидан тақдим этилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Намунавий регламенти тўғрисидаги Қарорнинг 65-моддасига биноан “доимий комиссиялар мажлислари бир ойда камидан бир марта ўтказилади”. Доимий комиссияларнинг қўшма мажлислари улар ўртасидаги келишувга мувофиқ ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг намунавий низоми тўғрисидаги Қарорнинг 27-моддасига мувофиқ “доимий комиссиялар сессияда қўриб чиқишига қўйиладиган масалаларни тайёрлаш ва уларни жиддий ишлаб чиқиш учун Кенгаши депутатлари, давлат идоралари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, мутахассислари ва олимлардан ташкил топган ишчи гуруҳларини тузиш ҳукуқига эга”.

Шунингдек, ишчи гуруҳлар таркибида (келишилган ҳолда) Кенгашининг баш доимий комиссиялари аъзолари ҳам киритилиши мумкин. Масалан, вилоят Кенгашининг доимий комиссияси томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ таркибида вилоят ҳудудида жойлашган туман ёки шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда Сенат аъзолари киритилиши мумкин.

Кенгашлар доимий комиссиялар фаолиятининг етарли даражадаги аниқ регламентациясига қарамай, амалда вакиллик органлари структуравий бўлинмаларининг самараадорлигини пасайтирувчи айрим камчиликлар мавжуд.

Маҳаллий кенгашлардаги **партия гуруҳлари** маҳаллий вакиллик органида сиёсий партиялар вакили бўлган беш кишидан кам бўлмаган депутатлардан шакллантирилиши мумкин. Улар комиссиялар раислари, раис ўринbosарлари ва аъзолари номзодларини таклиф қилиш ваколатига эга. Бундан ташқари партия гуруҳларининг Халқ депутатлари Кенгаши сессиялари кун тартибида киритилади масалалар бўйича таклифлари қўриб чиқилиши мажбурий ҳисобланади.

Барча партия кенгашларида фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Жамоатчилик қабулхоналари тўғрисидаги Низоми асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон ХДП қонун билан ўрнатилган тартибда ўзининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида, қуийдаги молиялаштириш манбаларидан фойдаланиши мумкин:

- аъзолик бадаллари;

- қонунга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар;

- «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига мувофиқ давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

- «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайриялари;

- амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ **Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.**

Партия тасарруфидаги бинолар, иншоотлар, хўжаликлар, нашриётлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мулклар, пул маблағлари, шунингдек Партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк Партияning ўз органлари, муассаса ва ташкилотлари орқали эгалик қилиш ҳуқуқи объектлариdir.

Партия мулкини сотиш ёки уни бошқача тарзда тасарруф этиш масалаларини ҳал қилиш Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг мутлақ ваколатига киради.

Партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, шунингдек Партияning туман ва шаҳар кенгашлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз мустақил балансларига, банк муассасаларидан ҳисобварақларига, ўзларининг номидаги муҳрларга эга бўлиши мумкин.

Партия пул маблағларини шакллантириш манбалари аъзолик бадаллари, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайриялари, Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратиладиган маблағлар, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар ва амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлардан иборатdir.

Партия бюджети, маҳаллий партия ташкилотлари, партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботот ҳар йили Партия Марказий Кенгаши пленуми томонидан тасдиқланади. Партия бюджети ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботот ҳар йили барчанинг эътибори учун эълон қилинади.

Минтақавий, туман ва шаҳар партия ташкилотларининг бюджетлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар ҳар йили тегишли партия кенгашлари пленумлари томонидан тасдиқланади ҳамда қуийи партия ташкилотлари ва Партия аъзоларига маълум қилинади.

Зарур ҳолатларда, маблағларнинг бир қисми Марказий Кенгаш белгилаган миқдорда Партияning заҳира жамғармасига йўналтирилади.

Аъзолик бадаллари партия аъзолари томонидан ҳар ойда минтақавий, туман (шаҳар) кенгашларининг ҳисобварагларига уларнинг корхона ва ташкилотлардаги иш жойларига берган аризаларига мувофиқ иш ҳақларидан ёки шахсий банк пластик карточкаларидан тегишли маблағларни ўтказиш йўли билан тўланади.

Партия аъзолари томонидан тўланадиган аъзолик бадалларининг миқдори, айрим Партия аъзоларининг аъзолик бадалларини тўлашдан тўлиқ ва қисман озиги этишнинг шарти ва тартиби, шунингдек келиб тушган аъзолик бадалларининг Марказий Кенгаш, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг ҳисобварагларига ўтказиладиган миқдори Партияning тегишли молия йили бюджети ўзгартишлар киритиш билан бир вақтда Партия Марказий Кенгаши пленумида тасдиқланади.

Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун аъзолик бадаллари ва бошқа тушумларнинг бир қисми ажратилади. Ажратиладиган ушбу маблағлар миқдори ҳар йили Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилоти бюджетини тасдиқлаш билан бир вақтда белгиланади.

Мазкур маблағлардан бошланғич партия ташкилотлари фойдаланишини, эҳтиёти учун бевосита харажат қилишини бошланғич партия ташкилотлари тақдимига мувофиқ тегишли минтақавий, туман ва шаҳар кенгашларининг ижроия қўмиталари амалга оширади.

Партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, уларнинг балансидаги мол-мулкни ва пул маблағларини оператив бошқариш учун, Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, партия кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида иш юритадиган ишлар бошқармаларини тузишлари ёки ишлар бошқарувчиларини тайинлашлари мумкин.

Туман (шаҳар) партия кенгашларининг мол-мулки ва пул маблағларининг оператив бошқарувини, қоида тариқасида, кенгаш раислари амалга оширадилар.

Партия корхоналари ва муассасаларини бошқариш уларнинг уставлари ва уларнинг тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларнинг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлаштириш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдами, кўрсатиши, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унга ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқлаштириш, харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қўйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди:

- чет давлатлар;
- чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- ҳалқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар;
- чет эл фуқаролари;
- фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номзодларнинг ўзи бошқариш органлари, яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиши, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу ҳолатда кўрсатилган хайрия ёрдами олинган кундан эътиборан бир ой ичида хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса давлат даромадига ўтказилиши лозим.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –
2. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодекси // <https://lex.uz/docs/4386848>
3. Джавакова К.В. Президент сайлови ва сиёсий партиялар (100 савол ва 100 жа<sup>н</sup> Тошкент: – «O'zbekiston», 2016. – 56 б.
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <https://lex.uz/docs/54191>
5. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республика<sup>са</sup> Қонуни // <https://lex.uz/docs/168391>
6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон ХДП гурухлари фаоли<sup>т</sup> ташкил этиш бўйича услугбий қўлланма – Тошкент:- «Turon - Iqbol», 2016. – 72 б.
7. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури – Тошкент, 2019. –
8. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави – Тошкент, 2014. – 38 б.

# Мундарижа

КИРИШ.....	3
СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТУШУНЧАСИ.....	4
СИЁСИЙ ПАРТИЯ: ҚИСҚА САВОЛ-ЖАВОБЛАР.....	6
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?.....	12
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ.....	18
ЎЗБЕКИСТОН ҲДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ.....	19
БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ.....	21
ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ.....	27
МИНТАҚАВИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ.....	29
ЎЗБЕКИСТОН ҲДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ АППАРАТИ.....	30
ЎЗБЕКИСТОН ҲДП ТИЗИМИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ.....	32
САЙЛОВЛАР.....	36
ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ.....	37
ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	39
ПАРТИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ.....	50
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	52

